



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий

барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогност кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янги ёндашув ҳамда таъминлашни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият-

нинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида:

1. Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қуйидагиларни назарда тутадиган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар стратегияси) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

(Давоми 2-бетда).

## Лойиҳаларни молиялаштириш имкониятлари

Бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодиётни ривожлантиришда ички ва ташқи инвестициялар муҳим роль ўйнайди. Бу борада ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёсат ҳамда ушбу инвестиция жараёнларини молиявий манбалар билан таъминлашда фаол қатнашаётган тижорат банклари фаолияти мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификациялаш ва модернизация қилишда катта ҳисса қўшмоқда.

«Асака» акциядорлик-тижорат банки томонидан йирик корхоналар ҳамда кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини ўз маблағлари ва хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби билан қуйида танишасиз.

Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштириш шартлари:

Кредит маблағлари саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кенгайтириш ёки/ва реконструкция қилишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга ажратилади.

• Валютаси: Ўзбекистон

Республикаси миллий валютасида;

• Муддати: ТИА кўрсаткичларга асосан, лекин 7 йилгача;

• Лойиҳа бўйича кредит мақсадидан келиб чиқиб, имтиёзли давр ўрнатилади;

• Кредит суммаси: ТИА кўрсаткичларга асосан;

• Кредит учун миқдор томонидан тўланадиган йиллик фоиз тўловлари: кредит мақсадидан келиб чиқиб, 12 фоиздан кам бўлмаган миқдорда;

• Таъминот: кўчар ва кўчмас мулк гарови, кафиллик, кафолат шартномалари, сугурта полислари, депозитлар ва бошқалар.

(Давоми 6-бетда).

## Ўзбекистон банк тизими: замон талабларига мос қадамлар

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда «Иқтисодиётни бошқаришни янада либераллаштириш шароитида банк тизимининг барқарорлиги: қонунчилик ва амалиёт» мавзuida илмий-амалий конференция ўтказилди.



диган ишлар хусусида сўз юритилди.

Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши тизимини тубдан такомиллаштиришга доир бешта йўналишни ўз ичига олган ушбу муҳим ҳужжат ижро механизмини намунали тарзда йўлга қўйиш, уни амалга оширишда самарадорликни таъминлаш юзасидан тегишли вазирлик ва тузилмалар кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Мазкур конференцияда ҳам мамлакатимизда иқтисодиётни бошқаришни янада либераллаштириш шароитида банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, бунда қонунчилик базага ўзгартиришлар киритиш, соҳанинг айрим йўналишларидаги механизмларни янгилаш масалалари муҳокама этилди.

Маълумки, яқин 5 йилга мўлжалланган Стратегияда иқтисодиётни

ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, унинг рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, ҳудудларларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, туризм соҳасини янги босқичга кўтариш вазифалари ўрин олган. Уларни изчилликда амалга ошириш учун эса, банк-молия, солиқ, божхона, сугурта, лизинг каби қатор институтлар фаолияти ислоҳ қилинмоқда.

(Давоми 5-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга** йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

**қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишга** йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳужалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойиллини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

**иқтисодийни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга** йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайитириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

**ижтимоий соҳани ривожлантиришга** йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

**хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юртишга** йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқро нуфузини мустаҳкамлаш.

2. Қуйидагилар:

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини амалга оши-

риш бўйича Миллий комиссия 2-иловага мувофиқ; Харакатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар 3-7-иловаларга мувофиқ тузилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Харакатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиши ҳисобланади;

Харакатлар стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

4. 2017 йил Ўзбекистон Республикасида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган маълумот учун қабул қилинсин.

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури** (кейинги уринларда – Давлат дастури) 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Харакатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар зиммасига Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек Харакатлар стратегиясини 2018-2021 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Харакатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар билан биргаликда давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолияти мувофиқлаштириб борилишини, шунингдек унинг жойларда ижро этилиши устидан тизимли назоратни таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборот Харакатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар томонидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этиб борилади.

6. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратсин:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усулларини жорий этиш, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда бюрократик тўсиқ ва говлар яратилишига, аҳоли билан мулоқот жараёнини кампания-бозликка айланишига йўл қўймасликка;

Давлат дастури доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг очкилиги, уларда фуқаролар, барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар, ижодий ва илмий муассасалар вакилларининг кенг иштирок этишига.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг қилиш ҳамда унинг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот бериб боришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғида кенг шарҳлаб борилишини, унинг демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолат, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қарор топтириш мақсадида давлат органларининг аҳоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотини кучайтиришга йўналтирилганини жамоатчиликка тушунтирилишини;

Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис, тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Харакатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссияларга ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёт тажрибасини, зарур бўлганда, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари вакилларини жалб қилган ҳолда, ўрганишда кўмаклашсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,

2017 йил 7 февраль

Ш.МИРЗИЁЕВ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонига ШАРХ

Мустиқлик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратиш-

га, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани ҳолисона баҳолашдан, мустиқлик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилишдан ҳамда за-

мон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олдимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаш вазифаси турган эди.

Мазкур вазифани амалга ошириш

йўлида аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан амалий суҳбат ҳамда муҳокамалар олиб борилди, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро



ташкilotларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маърузалари, тавсиялари ва шарҳлари ўрганилди, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди.

Келиб тушган таклифларни жамлаш, чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони** лойиҳаси ишлаб чиқиладиган, у билан:

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар стратегияси);

**Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури** (кейинги ўринларда – Давлат дастури) тасдиқланди.

Лойиҳаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида кизгин муҳокама олаб борилди. Лойиҳалар муҳокама учун турли ахборот майдонларига жойлаштирилди, уларнинг натижасида кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий борада юксак фаоллик кўрсатиб, олиб борилаётган ислохотларга алоҳида қизиқиш ва дахлдорликни намоён қилдилар.

Хусусан, лойиҳаларнинг «Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими» порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича 1 310 та таклиф ва мулоҳаза келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, 2017 йил 23-27 январь кунлари Тошкент шаҳрида медиа-жафталик ва халқаро давра суҳбати ташкил этилиб, уларда 1 300 дан ортқ мутахассис ва эксперт, жамоатчиликнинг, оммавий ахборот воситаларининг, дипломатик корпус ва халқаро ташкilotларнинг, шунингдек Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хорижий инвесторларнинг вакиллари иштирок этишди.

**Ҳаракатлар стратегиясига** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан сайловди жараёни, жамоатчилик, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда давлат органлари билан учрашувлар чоғида билдирилган мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самардорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

Хусусан, мамлакатни ривожлантиришнинг қуйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланган:

1. Давлат ва жамият курилишини такомиллаштириш;
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш;
3. Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Маъмур йўналишларнинг ҳар бири мамлакатдаги ислохотларни ва янгиланишларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ бўлимлардан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш назарда тутилмоқда, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланади.

Давлат дастурининг **«Давлат ва жамият курилишини такомиллаштириш»** деб номланган биринчи йўналишини амалга оширишда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлисининг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш, давлатнинг ҳаётда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш назарда тутилган.

Давлат бошқарувини такомиллаштириш, энг аввало давлат хизматини ислох қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шакллари, «Электрон ҳуқуқат» тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш Давлат дастурининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири бўлди. Шу муносабат билан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкilotларини, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, шунингдек маҳалланинг жамият ҳаётдаги ролини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Давлат дастурининг **иккинчи йўналиши** қонун устуворлигини ва суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирларини назарда туттади. Жумладан, қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлаш керак бўлган Олий суд кенгагини тузиш, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Маъмурий судларни, ҳўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини тузиш, судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш орқали судларни келгусида иختисослаштириш ва уларнинг девонини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Сансалорликка ва ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асоссиз чўзиб юборилишига йўл қўймастик мақсадида процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қуйи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Ушбу йўналиш доирасида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, аҳоли уларга эркин мурожаат эта олишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларнинг, хабарларнинг ўз вақтида олинишини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, ушбу йўналиш 2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқишни, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ходимларини ўқитиш, танлаш ва жой-жойига

қўйиш тизимини такомиллаштириш, мурожаатларни мунтазам таҳлил қилишни ҳамда вақти-вақти билан унинг натижаларини эълон қилиб боришни, адвокатурани ривожлантиришни, нотариат тизимини ва ФХДЭ органларини ислох қилишни ҳам ўз ичига олади.

**«Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш»** деб номланган учинчи йўналишда кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмуричилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш, шунингдек туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек ушбу йўналиш хусусий мулкни, молция бозорини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридида 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади.

**«Ижтимоий соҳани ривожлантириш»** деб номланган тўртинчи йўналиш аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолининг электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қўлайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда туттади.

Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарий 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Катта ёшли авлодни қўллаб-қув-

ватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш чора-тадбирлари киритилган. Жумладан, 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та виллоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Қишлоқ жойларда 15 мингта арзон уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрлик ички йўллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш назарда тутилмоқда.

**«Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш»** деб номланган бешинчи йўналиш доирасида республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фақуллода вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир «Йўл хариталарини» ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорликни тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Давлат дастурининг юқорида қайд этилган барча чора-тадбирларини амалга оширишга 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.

Келгуси беш йилда мамлакатни ривожлантиришнинг стратегияси ва устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Фармон асосида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошчилигида Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия тузилмоқда.

Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш Ҳаракатлар стратегияси бешта йўналишининг ҳар бири бўйича тузилган комиссиялар зиммасига юклатилган.

Ушбу комиссиялар зиммасига нафақат юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш, балки 2018-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳам юклатилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот...; давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲУЗУРИДАГИ «ГАРОВ РЕЕСТРИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ 2016 ЙИЛГИ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги «Гаров реестри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 155-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 14 июндаги 16-А/3-сонли қарорига асосан ташкил этилган.

«Гаров реестри» давлат унитар корхонаси ўрнатилган тартибда Тошкент шаҳар Миробод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 23 июнда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, юридик шахс мақомига эга.

«Гаров реестри» давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳқўчаси, 6-йўда фаолият кўрсатмоқда.

2016 йил давомида «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси томонидан гаров реестрининг «garov.uz» домен номи билан интернет тармоғи орқали узлуксиз кеча-кундуз фаолият юритилиши таъминланди.

«Гаров реестри» давлат унитар корхонаси томонидан ҳисобот йили фаолияти давомида:

- мурожаат этган ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс билан тузилган шартнома асосида ёзув киритиш учун гаров реестрига кириш, шунингдек, ундан реал вақт режимида, шу жумладан, интернет ахборот тармоғи орқали фойдаланиш имконияти таъминланди;

тификация рақами, ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами бўйича излаш имконияти яратилди;

– фойдаланувчиларга киритилган ёзув тўғрисида ахборот тақдим этилди.

Бугунги кунда барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар, шунингдек, бошқа корхоналар ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар гаров реестри хизматларидан фойдаланишмоқда.

Хусусан, 27 та тижорат банклари, 29 та микрокредит ташкилотлари, 47 та ломбардлар, 3 та лизинг компаниялари, 9 та бошқа корхона ва ташкилотлар ҳамда 37 та жисмоний шахслар гаров реестрида ўз шахсий кабинетларига эга.

2016 йилда 27 та фойдаланувчилар гаров реестридан рўйхатдан ўтказилиб, уларга шахсий кабинетлар очилди.

Ҳисобот йилида фойдаланувчилар томонидан гаров реестрига 106,0 мингдан зиёд ёзувлар киритилган ва ёзувларга 19,0 мингдан ортиқ ўзгартиришлар киритилган ҳамда гаров мажбуриятлари бажарилган.

ларнинг ҳуқуқлари тўғрисида ёзувлар киритилди.

Гаров реестри ташкил этилгандан буён жами 375,0 мингдан ортиқ ёзувлар киритилган бўлса, шундан 359,0 мингга яқини ёки 95,5 фоизи тижорат банклари томонидан ва 16,0 мингтаси ёки 4,3 фоизи микрокредит ташкилотлари томонидан киритилган.

Ўзбекистон гаров реестрини илгор халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш мақсадида 2015 йил 23 сентябрда Халқаро молия корпорация-

12 июндаги 155-сонли қарори мазмун-моҳиятини жойларда тушунтириш ва гаров реестридан фойдаланишнинг қулайлик ва афзалликларини тарғиб қилиш мақсадида 2016 йилнинг апрель-сентябрь ойларида республиканинг барча ҳудудларида тижорат банклари ва уларнинг филиаллари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳамда бошқа манфаатдор ташкилот ва корхоналар, шунингдек, жисмоний шахслар учун семинарлар ўтказилди.

**Гаров реестри ташкил этилгандан буён жами 375,0 мингдан ортиқ ёзувлар киритилган бўлса, шундан 359,0 мингга яқини ёки 95,5 фоизи тижорат банклари томонидан ва 16,0 мингтаси ёки 4,3 фоизи микрокредит ташкилотлари томонидан киритилган.**

си билан тузилган Ҳамкорлик келишуви доирасида ўтган йили гаров реестрини халқаро тажрибалар асосида янада ривожлантириш юзасидан гаров реестридан фойдаланувчиларга тренинг-семинарлар ташкил этилди, шунингдек, республикада гаров реестри фаолиятини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш борасида ишлар олиб борилди.

Хусусан, Ҳамкорлик келишувига асосан Халқаро молия корпорациясининг гаров реестри бўйича халқаро экспертлари 2016 йилда Ўзбекистонга икки маротаба ташриф буюрди.

Ташрифлар давомида Халқаро молия корпорациясининг гаров реестри бўйича халқаро экспертлари томонидан гаров реестрининг фойдаланувчилари, жумладан, тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, бошқа молия муассасалари, солиқ, божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат органлари ҳамда «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси ходимлари ва гаров реестрининг дастурий платформасини ишлаб чиқувчи тегишли мутахассисларга амалий семинарлар ташкил этилди, гаров реестрини ривожлантириш бўйича ўз таклифларини берди.

Шу билан бирга, «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси томонидан Марказий банк ходимлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2014 йил

Бундан ташқари, Халқаро молия корпорациясининг тавсиялари ҳамда гаров реестри фойдаланувчиларининг таклифлари асосида ишлаб чиқилган гаров реестри дастурий платформасининг янги версиясида тегишли хавфсизлик чораларини қўллаб тижорат банкларининг ички операциялар тизимини банк телекоммуникация тармоғи орқали гаров реестри базасига улаган ҳолда гаров реестрига ёзувларни киритиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш йўлга қўйилди.

«Гаров реестри» давлат унитар корхонаси томонидан 2017 йил давомида гаров реестри фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилиши режалаштирилаётган асосий вазифалар қуйидагилар ҳисобланади:

- гаров реестри фойдаланувчиларига ёзувларни киритиш ва гаров реестри билан ишлаш бўйича қулайликларни янада ошириш юзасидан дастурий таъминотлар яратилишини таъминлаш;

- жисмоний шахслар учун гаров реестридан фойдаланишда янада қулайлик яратиш мақсадида «Биллинг» тизимини жорий этиш;

- гаров реестрининг афзалликлари ва имтиёзларини тарғиб қилиш ҳамда гаров реестри бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида, шу жумладан, бевосита фойдаланувчилар учун семинарлар ташкил этиш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси.**

**27 та тижорат банклари, 29 та микрокредит ташкилотлари, 47 та ломбардлар, 3 та лизинг компаниялари, 9 та бошқа корхона ва ташкилотлар ҳамда 37 та жисмоний шахслар гаров реестрида ўз шахсий кабинетларига эга.**

**Ҳисобот йилида фойдаланувчилар томонидан гаров реестрига 106,0 мингдан зиёд ёзувлар киритилган ва ёзувларга 19,0 мингдан ортиқ ўзгартиришлар киритилган ҳамда гаров мажбуриятлари бажарилгандан сўнг 28,0 мингга яқин ёзувлар гаров реестридан чиқарилган.**

- юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестридан фойдаланиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатилди;

- мурожаат этган юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестрига ёзув киритиш афзалликлари тушунтирилди;

- гаров реестридаги ахборотни қарздор – солиқ тўловчининг иден-

дан сўнг 28,0 мингга яқин ёзувлар гаров реестридан чиқарилган. Шунингдек, фойдаланувчиларга ёзувлар бўйича гаров реестридан 800 га яқин кўчирмалар тақдим этилди.

Натижада 2016 йил давомида гаров реестрига 113,0 мингдан ортиқ таъминот сифатида қабул қилинган мол-мулкларга нисбатан кредитор-

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 14 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	2536,29	1 Канада доллари	2527,00	1 Норвегия кронаси	394,03	1 евро	3542,72
1 Англия фунт стерлинги	4133,38	1 Ҳитой юани	480,80	1 Польша злотийси	818,44	10 Жанубий Корея вони	28,70
1 Дания кронаси	472,72	1 Қувайт динари	10845,01	1 Сингапур доллари	2324,31	10 Япония иенаси	290,63
1 БАА дирҳами	901,02	1 Россия рубли	56,24	1 СДР	4480,93	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	3309,35	1 Украина гривнаси	121,64	1 Туркия лираси	894,88		
1 Миср фунти	188,57	100 Ливан фунти	219,79	1 Швеция кронаси	370,54		
1 Исландия кронаси	29,22	1 Малайзия рингити	744,18	1 Швейцария франки	3295,18		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма курсаткичи:

1 USD ▲ 3309,35 – (3294,74) | 1 EUR ▲ 3542,72 – (3539,47) | 1 GBP ▲ 4133,38 – (4113,49) | 10 JPY ▼ 290,63 – (293,26)



## Ўзбекистон банк тизими: замон талабларига мос қадамлар

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Банк тизимида ишнинг рационал ташкил этилиши, яратилган самарали инфратузилма, хизмат кўрсатишнинг турли инструментлари, усуллари қўлланилиши бозор механизмларининг самарали ишлашига хизмат қилмоқда. На тижлада барқарор, мослашувчан банк тизими мамлакат иқтисодийотининг самарадор-

миятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг айрим моддаларига ўзгартиришлар киритиш жоизлигини ҳам билдирмоқда. Бунда тижорат банклари томонидан корпоратив облигациялар чиқариш орқали ўз молиявий манбаларини янада шакллантириш ва инвестиция салоҳиятини оширишга муваффақ бўлади. Мамлакатимизда ижтимо-

қайд этилди. Жорий «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг фаоллигини ошириш борасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Марказий банк томонидан микрокредитлаш тизимини янада соддалаштиришга доир тегишли қарор лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги, гаров таъминоти бўйича мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида



лигига сезиларли ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, банк соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар муайян шаклда бутун иқтисодиётда ўз аксини топмоқда.

Конференцияда тизимга доир мана шундай жиҳатлар хусусида сўз борар экан, дунё тажрибасида банкларнинг ўзига хос тадбиркорлик субъекти сифатида асосан жалб этилган маблағлар ҳисобига фаолият юритиши эътиборга олиниб, уларнинг фаолиятига четдан аралашуш қатъиян тақиқлангани, чунки банкларнинг кредитлаш амалиётига бошқарув органлари томонидан аралашуви молия муассасаларининг самарали фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши айтиб ўтилди.

Шунингдек, соҳадаги бугунги шароит «Акциядорлик жа-

ий соҳаларни ривожлантириш чоралари кенг қўламда олиб борилмоқда. Катта миқдордаги маблағларни талаб этувчи ушбу лойиҳаларга ажратилаётган кредитлар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига тенг равишда белгиланмоқда.

Аҳоли, жумладан, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда халқимиз даърамадини оширишга хизмат қилаётган ушбу лойиҳалар асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан татбиқ этилмоқда.

Тадбирда тадбиркорларнинг лойиҳаларини жадал кредитлаш жараёнига таъсир этяётган омиллар қаторида жойларда суғурта, лизинг, баҳоловчи муассасаларнинг етишмаслиги

эса, Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш кафолат фонди ташкил этилгани маълум қилинди.

Шунингдек, таъкидланишича, фонд кичик бизнес субъектларининг давлат аҳамиятига молик лойиҳаларини амалга ошириш билан бирга, молиялаштириш самарадорлигини кучайтиради ва имтиёзли кредитларнинг аниқ мақсадлар бўйича йўналтирилишини таъминлайди.

Конференцияда банк тизимини такомиллаштиришга қаратилган чоралар миллий кредит ташкилотларининг рақобатбардошлигини ошириб, хўжалик субъектлари ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатларни юқори поғонага олиб чиқариш, умуман мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қулай шароит яратиши таъкидланди.

Жаҳонгир АБДУРАСУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси

Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти директори ўринбосари:

– Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган улғувор вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш Марказий банк олиб бораётган пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларида ўз ифодасини топган.

2017-2021 йилларда тижорат банклари жами капиталини 2 бараварга, депозитлар ҳажмини, жумладан, омонатларни 2,1 бараварга ошириш режалаштирилиб, бундай чора-тадбирлар ўз навбатида, молия муассасаларида инвестицион кредитлар ҳажмини 1,7 бараварга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришни 2,2 бараварга ошириш имконини бериши кутилмоқда.

Бугунги кунда Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини янада такомиллаштириш бора-

сида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Унда банк назорати бўйича Базель кўмитасининг талабларига асосан тижорат банкларининг маблағлари етарлилиги ва ликвидлиги даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш, бошқарув ва банк таваккалчилиги тизими юзасидан замонавий талабларга жавоб берайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилиш, тижорат банклари фаолияти, шу жумладан, кредит сиёсатига давлат ҳокимияти органлари томонидан маъмурий аралашувларга йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш ҳамда банкларга хос бўлмаган вазифаларни истисно этиш бўйича амалий чораларни кўриш масалалари акс эттирилиши мўлжалланган.

Собир ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бош маслаҳатчиси:

– Банк тизимини либераллаштириш молиявий муносабатларни мувофиқлаштириш қоидалари ва усулларини, хўжалик субъектлари ва банк-молия институтларининг самарали механизмларини ўйгунлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур жараёнларни жадаллаштириш амалдаги қонунчиликка қатор ўзгартиришлар киритишни тақозо этмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда «Гаров тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритилса, банкларнинг ресурс базаси янада мустаҳкамланиб, иқтисодиёт тармоқларидаги лойиҳаларни молиялаштириш имконияти ортади.

Султонбой ТАҒИРБЕРДИЕВ, «Chilon Lubricants»

акциядорлик жамияти директори ўринбосари:

– Конференцияда юртимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантиришда тижорат банклари имкониятини ошириш борасидаги ислохотларга батафсил тўхталиб ўтилди. Унда айниқса, Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш кафолат фонди фаолияти биз, тадбиркорлар учун катта янгилик бўлди. Мазкур жамгарма фаолияти кредит таъминотига эга бўлмаган, лекин истиқболли лойиҳаларни илгари сураётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу билан эндиликда корхоналар ўз лойиҳаларини ушбу жамгарма кафолати остида ҳеч бир қийинчиликсиз молиялаштиришга эришадилар.

Назира МАВЛОНОВА тайёрлади.

## Иқтисодий ислохотлар жараёнида банк тизимининг иштироки

**Бугунги кунда мамлакатимизда мустаҳкам инфратузилмага эга бўлган замонавий, халқаро меъёр ва стандартларга тўла жавоб берадиган, ҳар қандай иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қодир, турли мулк шаклларида ташкил топган замонавий 28 та тижорат банклари ва уларнинг 855 та филиаллари фаолият юритмоқда.**

уларга кенг қўламдаги банк-молия хизмат турларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизимининг иқтисодий ислохотлар жараёнида изчил ва барқарор ривожланаётгани нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

«Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини

«Барқарор» дея баҳоламоқда. Бу баҳорда йўлга қўйилган бошқарув сифати ва шаффофлигининг амалий натижасидир.

Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг босқичма-босқич пасайтириб борилиши тижорат банклари томонидан жалб қилинаётган ресурсларнинг арзонлашуви ва депозит базасининг кенгайишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, sanoat корхоналари, ишлаб чиқариш соҳасида банд

бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг тижорат банклари кредит маблағларидан фойдаланишига кенг йўл очиб берди.

Хусусан, тижорат банкларининг инвестиция мақсадларига ажратган инвестицион кредитлари миқдори 2015 йилга нисбатан 1,2 баробарга ошиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 12,2 трлн. сўмни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами кредитлар суммаси ўтган беш йилда 3 баробардан зиёд ошиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 15,9 трлн. сўмни, шу жумладан, микрокредитлар миқдори тўрт баробардан зиёд ошиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 3,3 трлн. сўмга етди.

(Давоми 6-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 22 октябрдаги қарорига асосан «Мадад Инвест Банк» хусусий акциядорлик-тижорат банкига лицензия берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 январдаги «Ўзгазроэкспортбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПҚ-2740-сонли Қарорига биноан, республикаимизда фаолият юритаётган акциядорлик тижорат банклари сони яна биттага ошди. Мазкур банк экспорт қилувчи ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт имкониятлари самарали ва барқарор ривожлантиришни таъминлаш, агросаноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда

# Лойиҳаларни молиялаштириш имкониятлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## «COMMERZBANK AG» (GERMANYA) ТОМОНИДАН ЖАЛБ ҚИЛИНАДИГАН КРЕДИТ ЛИНИЯ ШАРТЛАРИ:

- Лойиҳа экспортга йўналтирилган бўлиши лозим;
- Мақсади: кредит линия маблағлари саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳаларида импорт асбоб-ускуна ва технология сотиб олишга қаратилган;
- Ҳар бир лойиҳа бўйича ажратиладиган кредитнинг миқдори 500 000 евродан кам бўлмаслиги лозим;
- Кредитнинг максимал миқдори: импорт шартномасининг 85 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда;
- Кредит учун мижоз томонидан тўланадиган йиллик фоиз тўловлари: EURIBOR 6M + хорижий банк маржаси (йиллик 1,5-2,5 фоиз) + «Асака» банк маржаси (йиллик 4 фоиз);
- Кредитнинг максимал муддати кредит шартномасида индивидуал тарзда келишилади;
- Лойиҳа бўйича 12 ойгача имтиёзли давр берилади;
- Кредит учун мижознинг банкка тўлайдиган комиссиялари: Бошқарув учун комиссия – кредит суммасининг 1 фоиз; Мажбурият комиссияси – йиллик 0,25 фоиз;
- Қарз олувчининг лойиҳадаги ўз капитали (маблағи) билан қатнашиши;
- импорт шартномасининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдориди;
- лойиҳанинг умумий миқдоридан 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда.

## КОРЕЯ ЭКСПОРТ-ИМПОРТ БАНКИ (ЭКСИМБАНК, КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ) ТОМОНИДАН ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН КРЕДИТ ЛИНИЯ ШАРТЛАРИ:

- Лойиҳа экспортга йўналтирилган бўлиши лозим;
- Корея капитали иштирокидаги корхоналар учун: – асбоб-ускуна сотиб олиш ва ўрнатиш; – стратегик инвестициялар;
- Корея капитали иштирок этмаган корхоналар учун: – Корея корхоналари иштирокидаги асбоб-ускуналар сотиш ва хизмат кўрсатиш; – Корея корхоналари иштирокидаги асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш.
- Ҳар бир лойиҳа бўйича ажратиладиган кредитнинг миқдори 200 000 АҚШ доллардан кам бўлмаслиги лозим;
- Кредит учун мижоз томонидан тўланадиган йиллик фоиз тўловлари: Libor 6M + хорижий банк маржаси (маржа ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида аниқланади, одатда йиллик 2 фоиз) + «Асака» банк маржаси (йиллик 4 фоиз);
- 6 йил бўлган давргача, шу жумладан, имтиёзли давр 1 йил;
- Кредит учун мижознинг банкка тўлайдиган комиссиялари: Бошқарув учун комиссия – кредит суммасининг 0,1 фоиз; Мажбурият комиссияси – йиллик 0,3 фоиз;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа молиялаштиришдаги улуши лойиҳа қийматининг 25 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

## ХИТОЙ ДАВЛАТ ТАРАҚИЁТ БАНКИ ТОМОНИДАН АЖРАТИЛАЁТГАН КРЕДИТ ЛИНИЯ ШАРТЛАРИ:

- Лойиҳа экспортга йўналтирилган бўлиши зарур;
- Кредит линия маблағлари Хитойда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналарни сотиб олишга берилади;
- Ҳар бир лойиҳа бўйича ажратиладиган кредитнинг миқдори 100 000 АҚШ доллардан кам бўлмаслиги лозим;
- Кредит учун мижоз томонидан тўланадиган йиллик фоиз тўловлари: Libor 6M + хорижий банк маржаси (йиллик 5,2 фоиз) + «Асака» банк маржаси (йиллик 4 фоиз);
- 5 йил бўлган давргача, шу жумладан, имтиёзли давр 2 йилгача;
- Кредит учун мижознинг банкка тўлайдиган комиссиялари: Бошқарув учун комиссия – кредит суммасининг 0,4 фоиз; Мажбурият комиссияси – йиллик 0,4 фоиз;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа молиялаштиришдаги улуши лойиҳа қийматининг 25 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

## «LANDESBANK AG» (GERMANYA) ТОМОНИДАН АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТ ЛИНИЯ ШАРТЛАРИ:

- Лойиҳа экспортга йўналтирилган бўлиши зарур;
  - Кредит линия маблағлари саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳаларида янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кенгайтириш ёки/ва реконструкция қилишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилинади;
  - Ҳар бир лойиҳа бўйича ажратиладиган кредитнинг миқдори 250 000 евро (АҚШ доллар эквиваленти)дан кам бўлмаслиги лозим;
  - Кредитнинг максимал миқдори: импорт шартномасининг 85 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда;
  - Кредитнинг максимал муддати белгиланмаган;
  - Кредит учун мижоз томонидан тўланадиган йиллик фоиз тўловлари: EURIBOR 6M + хорижий банк маржаси (йиллик 1,5-2,5 фоиз) + «Асака» банк маржаси (йиллик 4 фоиз);
  - Лойиҳа бўйича 12 ойгача имтиёзли давр берилади;
  - Кредит учун мижознинг банкка тўлайдиган комиссиялари: Бошқарув учун комиссия – кредит суммасининг 0,50 фоиз; Мажбурият комиссияси – йиллик 0,25 фоиз;
  - Қарз олувчининг лойиҳадаги ўз капитали (маблағи) билан қатнашиши;
  - импорт шартномасининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдориди;
  - лойиҳанинг умумий миқдоридан 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда.
- Қайд этиш жоиз, кредит линиялари маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарган мамлакат Иқтисодий ҳамкорлик ва тарақиёт ташкилоти аъзоси бўлиши лозим. Бунда гаров таъминоти сифатида Экспорт кредит миллий агентлигининг сугурта полиси қатнашади, сугурта қиймати кредит суммасининг 8-12,5 фоизини ташкил қилади.

## ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ ҚҲИДАГИ ҲҲЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛГАНИДАН СЎНГ КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ:

- Лойиҳанинг техник иқтисодий асослари;
- Лойиҳа иштирокчилари тўғрисида маълумот ва молиявий ҳисоботлари;
- Лойиҳа иштирокчиларининг таъсис ҳужжатлари;
- Асбоб-ускуна етказиб бериш бўйича шартномаси (лойиҳаси), ускунанинг тўлиқ спецификацияси;
- Ускуна рақобат варағи;
- Тайёр маҳсулот ва хомашё бозорларининг батафсил маркетинг таҳлили;
- Хомашё сотишга ва тайёр маҳсулот сотишга шартномалар (лойиҳалари);
- Лойиҳа смета ҳужжатлари ва қурилиш бўйича ҳужжатлар;
- Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ижобий хулосаси ва бошқа ҳужжатлар.

Наргиз АҲМЕДОВА тайёрлади.

(Давоми. Бошланиши 5-бетда).

Ўтган йил якунлари бўйича банк тизими капиталининг етарлилик кўрсаткичи умумий қабул қилинган ҳалқаро стандартлардан 3 баробардан, банк ликвидлиги эса 2,1 баробардан юқори бўлди.

Ўзбекистонда замонавий тижорат банкларини ривожлантиришнинг жорий босқичи, улар фаолиятини жаҳон стандартларига мослаштириш 2015 йилда Базель қўмитасининг янги талабларини тижорат банклари фаолиятига жорий этиш орқали бошланди. Унга кўра, ҳалқаро стандартларга мувофиқ банк назорати бўйича норматив базани тақомиллаштиришга мўлжалланган ишлар, яъни «Базель III» стандартларини босқичма-босқич жорий этиш 2019 йилгача тугатилиши режалаштирилди.

«Базель III» талабларига асосан 2019 йил 1 январдан тижорат банкларининг регулятив капитали(K1)ни 14,5 фоизга, I даражали капитал(K2)ни 11,0 фоизга, I даражали асосий капиталнинг регулятив капиталдаги улу-

## Иқтисодий ислохотлар жараёнида банк тизимининг иштироки

шини 9,5 фоизга етказиш белгиланди. Бундан ташқари, тижорат банклари ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг ҳалқаро меъёр ва талабларга мослигини таъминлаш мақсадида «Базель III» стандартлари-

га асосан банкларнинг ликвидлигини бошқаришга нисбатан янги талаблар қўйилди. Жумладан:

– 2015 йил 1 январдан ликвидликни қоплаш меъёри (Liquidity Coverage Ratio (LCR)) жорий этилди;

Тижорат банклари фаолияти асосий кўрсаткичларининг 2012-2016 йиллардаги ўзгариш динамикаси

№	Асосий кўрсаткичлар	Жумладан				
		2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
1.	Тижорат банкларининг филиаллари (та)	829	837	846	854	855
2.	Тижорат банклари жами капитали (трлн. сўм)	6,2	6,5	6,9	7,8	9,4
3.	Тижорат банклари жами депозитлари қолдиги (трлн. сўм)	19,8	26,1	28,5	35,6	44,6
4.	Тижорат банклари жами активлари (трлн. сўм)	34,3	43,9	56,2	65,2	80,4
5.	Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари (трлн. сўм)	20,4	26,5	34,8	42,7	53,4
6.	Тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар (трлн. сўм)	5,8	7,2	8,6	10,2	12,2
7.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар: – шу жумладан, микрокредитлар (трлн. сўм)	5,3	7,0	9,1	12,1	15,9
		0,8	1,4	1,9	2,5	3,3

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонида тайёрланди.

– 2018 йил 1 январдан соф барқарор молиялаштириш меъёри (Net Funding Stability Ratio (NFSR)) жорий этилиши белгиланди.

2016-2020 йилларда банк тизимини янада ислох қилиш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлик даражасини янада мустаҳкамлаш, банк активлари ва кредит портфели сифатини яхшилаш, банк таваққалчилликларини баҳолаш тизимини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсад қилинган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда стратегик ривожлантиришда, ижтимоий-иқтисодий соҳани, давлат ва жамият қурилишларидаги ўзгаришларни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ислохотларни амалга оширишда банк тизими шубҳасиз муҳим ва ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ақром КАМОЛОВ,  
ТБҲҚК «Банк иши» кафедраси  
бош ўқитувчиси, и.ф.н.



## Солиқ имтиёзлари ва энгилликлари иқтисодиёт тармоқлари ривожига ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроекотсодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2699-сонли Қарори ҳамда бошқа ҳужжатларга мувофиқ, солиқ тўловчиларга бир қанча солиқ имтиёзлари ва энгилликлари берилди.

Ушбу ҳужжатлар асосида солиқ тўловчиларга яратилган имтиёз ва қулайликлар ҳусусида Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси Даврон Равшанов куйидагиларни сўзлаб берди:

– Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 27 декабрдаги 2699-сонли қарорига асосан хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритувчи юридик шахсларни фойда ва янада солиқ тўлови тўлашдан озод этиш тарзидаги солиқ имтиёзлари 12 та фаолият турларини, шундан 4 таси республиканинг барча ҳудудларида ва 8 таси қишлоқ жойларда амалга оширилган учун 2020 йил 1 январгача татбиқ этилиши белгиланди. – дейди Д.Равшанов. – Шу билан бирга, миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар ҳамда республикамизда автомобиль санотини янада ривожлантириш мақсадида берилган солиқ имтиёзларининг муддати 2020 йил 1 январгача, оммавий ахборот воситалари таҳрирлялари ва нашриётлар учун берилган солиқ имтиёзларининг муддати 2019 йил 1 январгача узайтирилди.

Мисол тариқасида «Самарқанд автомобиль заводи», «Ман Авто Ўзбекистон» ва «Поп логистика маркази» корхоналарига берилган солиқ имтиёзларининг муддатини 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтиришга қарор қилинганини таъкидлаш мумкин.

Президентимиз томонидан 2016 йил 2 декабрда имзоланган 4861-сонли фармон туризми жадал ривожлантиришни таъминлаш, туристлар оқимини кўпайтириш, туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек, мазкур соҳадаги ишбилармонлик фаолиятини қучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Фармонга мувофиқ 2017 йил 1 январдан бошлаб меҳмонхоналарда ва бошқа жойлаштириш жойларида хорижий фуқароларга ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга, жойлаштириш бўйича хизматлар фақат хорижий валютада амалга оширилиши, туризм операторлари хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилиниши, меҳмонхоналар ва

бошқа жойлаштириш жойлари хорижий валютадаги тушумнинг 25 фоизини мажбурий сотиши белгиланди.

Бундан ташқари, юридик шахслар меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширганга (сертификатланган, камида 4 юлдузли даражадаги) фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан, шунингдек, ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилиниши белгиланади қўйилди.



Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш тартибларини бирхиллаштириш мақсадида 2017 йил 1 январдан бошлаб бошқа тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ягона ижтимоий тўловни ҳар бир ходим учун ойига минимал иш ҳақига қаррали миқдорда ҳисоблашнинг амалдаги тартиби чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаси корхоналарига ҳам татбиқ этилиши белгиланди.

Асосий солиқ турлари бўйича ставкалар жорий йилда ҳам 2016 йил даражасида сақланиб қолинди. Жумладан, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи, юридик шахсларнинг фойда (7,5 фоиз), мол-мулк (5 фоиз), ягона ер ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш (8 фоиз), шунингдек, экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ставкалари ва мол-мулк солиғининг регрессив ставкасини қўллаш тартиби сақлаб қолинди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2016 йил даражасида сақлаб қолиниши баробарида 2017 йил 1 январдан бошлаб, хунармандларга (қонунчиликда белгиланган рўйхат бўйича) энг кам иш ҳақининг 0,5 баробари миқдорига қатъий бел-

гиланган солиқни тўлаш жорий этилди. Давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар бўйича тўловлар ставкалари ўтган йил даражасида қолдирилди.

Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, ҳусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатида яхшилаш-

га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармонида асосан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди. Унга кўра, 13 та қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Жиноят, Жиноят процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди. Лекин юридик шахслар мурожаатига асосан корхона тугатилганда ўтказиладиган қонини текширишлар сақланиб қолинди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда солиқ тўловчиларга энгилликлар яратиш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари учун қатор солиқ имтиёзларини қўллаш орқали янада ривожланишга қўмаклашиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларини барқарор тараққий этишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жасур МИРЗАЕВ  
ёзиб олди.

## АКТда тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоялаш

Пойтахтимизда «Ахборот соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати ташкил этилиб, унда ахборот соҳасини тартибли равишда ривожлантириш ҳолати, истикболлари, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида ҳусусий мулк ва ҳусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, инновацион бизнес муҳитини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Бизнес соҳаси вакиллари ва экспертлар кенгаши иш-тироқида ўтказилган давра суҳбатида самарали ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш масалалари ва ахборот соҳасини тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасида муҳим тақлифлар ўртага ташланди. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунлари, Биринчи Президентимизнинг «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2042-сонли, «Иқтисодиётнинг реал секторларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2158-сонли Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоғрисидаги қирувчи корхона ва ташкилотлар таснифлагичини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Бугунги рақамли технологиялар ривожланаётган даврда иқтисодиёт тармоқларида замонавий АКТни кенг жорий этиш, «Электрон ҳукумат» тизими фаолиятини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эгадир. Бу мамлакатнинг рақобатдошлик даражасига ижобий таъсир кўрсатиши ҳамда катта ҳажмда ахборот тўллаш ва уни умумлаштириш имконини бериши билан бир қаторда, бошқаришни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратади.

Тадбирда мамлакатимизда замонавий, илғор демократик ва технологик стандартларга жавоб берадиган, АКТ секторининг фаол ўсишига, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида АКТнинг жорий қилинишига шароит яратувчи қонунчилик базаси яратилганлиги, маҳаллий корхоналар, хўжалик бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ҳисоб

ва ҳисобот, ҳужжат айланиш тизимининг жорий қилингани, бунинг учун маҳаллий мутахассислар ва ўзимизда ишлаб чиқарилган ахборот-компьютер технологиялари ва дастурий маҳсулотлар кенг жалб қилингани мамнуният билан айтиб ўтилди. Бундай олиб борилаётган саяҳатлар қарорлари корхона ва ташкилотлар томонидан яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ишлаб чиқариш таннари ва харajatларини пасайтириш, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиб, янги бозорларни очишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўз ўрнида айтиш жоизки, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компаниялар қонунчиликда кўзда тутилган преференция ва имтиёزلардан самарали фойдаланишмоқда. Улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг самараси ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги, маҳаллий дастурий маҳсулотлар ҳажми ва сифатини сезиларли даражада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари, коммуникация бозорининг фаол ривожланиши самарасида оператор ва провайдерлар томонидан истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар тизимли равишда кенгаймоқда, йилдан-йилга маълумотлар узатиш тезлиги ўсиб бормоқда.

Тадбирда муҳокама қилинган бўйича ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қўмаклашувчи ахборот соҳаси қонунчилигини янада такомиллаштириш, ахборот технологиялари соҳасида янги юқори технологиялар асосида ишлаб оладиган мутахассисларни кўпроқ жалб қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган янги лойиҳаларни яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулшан ЮСУПОВА.

## Инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётган лойиҳалар

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» муносабати билан тижорат банклари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки зиммасига аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда халқимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган қатор вазифалар юклатилди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда ҳудудларда энгил саноат ва фармацевтика соҳасида янги корхоналарни ташкил этиш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш борасидаги лойиҳаларини молиялаштириш, деҳқон бозорлари ҳамда истироҳат боғларини реконструкция қилиш, янги-ларини барпо этиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари сонини кўпайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ТИФ Миллий банки томонидан ушбу йўналишлар доирасида кейинги 5 йил давомида ҳудудларда умумий қиймати 824,5 млн. АҚШ долларлик 145 та лойиҳани молиялаштириш учун 490 млн. доллардан ортиқ кредитлар ажратилиши белгиланди.

Жумладан, биргина энгил саноатни ривожлантириш доирасида муассаса умумий қиймати 349 млн. доллар бўлган 37 та лойиҳани амалга оширишни кўзда тутмоқда. Мақсад – пахта толасини чуқур қайта ишлаш

орқали юқори қўшилган қийматга эга экспортбop ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳажмини ва турини кўпайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратилдан иборат бўлиб, уларни амалга ошириш учун банкнинг ўз маблағлари ҳамда хорижий молия институтларининг узоқ мuddатли кредит линиялари ҳисобидан 266 млн. доллар миқдорида сармоя жалб қилинади. Пировардида, 2017-2018 йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида ип-калава, тайёр трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилади.

Шунингдек, республикамиз вилоятларида мева-сабзавотчилик маҳсулотларини сақлаш ва чуқур қайта ишлаш соҳасида умумий қиймати 226 млн. доллар бўлган 81 та лойиҳани амалиётга татбиқ этиш мўлжалланган. Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш, саралаш, сақлаш, қуритиш ва қайта ишлаш, замонавий логистика марказларини ташкил этишга қаратилган мазкур лойиҳалар жорий



йилда Андижон, Бухоро, Наманган ва Тошкент вилоятларида (мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини музлатишга ихтисослашган юқори сифимли совутигичларга эга бўлган логистик марказларни ташкил этиш) ишга тушиши кўзда тутилган.

Маълумки, республикамизда мева-сабзавотчилик тармогини ривожлантириш мақсадида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Хитой давлат тараққиёт банки кредит линиялари жалб қилинган. Уларнинг имтиёзли маблағлари ҳисобидан ҳосилдорлиги

юқори бўлган интенсив мева-сабзавот кўчатлари ва уруғлар сотиб олиш, томчилатиб сугориш, интенсив боғлар учун талаб қилинадиган ускуналар харид қилиш, эски тоқзорларни янгилаш ва янги тоқзорлар барпо этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун махсус хона ва музлаткичлар, уларни қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш технологик ускуналарини харид қилиш учун айланма маблағлар билан таъминлаш, иссиқхона ва боғлар учун кўчатхоналар барпо этиш каби йўналишларга кредитлар ажратилмоқда. Бу борада эса,



## Оддий аҳолини тадбиркор қилиш йўлида

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросим ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида тижорат банклари кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаши, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.



вожланишига ўз хиссасини қўшиш вазифасини юклади.

«Агробанк» томонидан ушбу ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги ислохотлардан келиб чиқиб, муассасанинг мавжуд салоҳияти ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, 2017 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, аҳолининг банкка ишончини юксалтириш ҳамда бандлик даражасини ошириш мақсади билан ўз ичига олган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

«Оддий аҳолини тадбиркор қилиш» шиори остида яратилган дастурда, аввало, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг бизнес соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, ташкилий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинди.

Дастурни тизимли ва ҳар томонлама пухта ташкил этиш мақсадида эса, банкнинг Марказий аппаратида махсус бошқарма, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳамда 176 та филиалида алоҳида бўлимлар фао-

лияти йўлга қўйилиб, уларга банкнинг 2 130 нафардан зиёд тажрибали ходими ҳамда қўшимча 580 нафар малакали мутахассис жалб этилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Банклар ассоциацияси билан ҳамкорликда ходимлар учун ўқув-семинари ташкил қилиниб, уларнинг дастур туб моҳияти бўйича малакаси оширилди.

**– Ўтқир Қўшабоевич, ушбу дастурга кўра, жорий йилда «Агробанк» юртимиз ҳудудлари бўйлаб қанча аҳоли пунктларини қамраб олади? Бу борада дастлабки натижалар ҳам борми?**

– Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ҳамда шахсий томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида 2017 йилда банкимизга ҳудудлардаги 813 аҳоли пунктида истикомат қилувчи 1 285 362 та хонадон бириктирилган. Айти кунларда мазкур жойлардаги аҳоли билан мулоқотни самарали ташкил этиш мақсадида раҳбар ва масъул ходимлар дастур асосида ишлаб чиққан ўз шахсий иш режала-

ри билан фаолият юритмоқда.

Хусусан, улар туман, шаҳар ва қишлоқлардаги маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ҳар бир хонадонда яшовчи фуқароларнинг тадбиркорлик қилиши ва янги иш ўринларини яратиш имкониятларини (4 ой давомида) ўрганиш ишларини олиб бормоқда.

Бу борада дастлабки натижалар хусусида тўхталадиган бўлсак, жами бириктирилган хонадонларнинг 361 906 та-сида (28 фоиз) сўровлар ўтказилганини, бунда 26 169 та хонадон вакили тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдирганини қайд этишимиз мумкин. Банкимиз шундан 839 та хонадонга 8 257 млн. сўм, жумладан, 764 та хонадонга шахсий томорқада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун 5 399 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратди. 2 858 млн. сўмлик кредит ҳисобига эса, 75 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

**– Ўрганишлар чоғида асосан нималарга эътибор қаратилмоқда?**

– Бунда ходимлар туман, фуқаролар йиғини, қолаверса, маҳалланинг ихтисослашуви ва имкониятларидан келиб чиқиб, аҳолига намунавий шаклдаги бизнес лойиҳаларни таклиф этиш, улар ўртасида бизнес фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликнинг у ёки бу турига





## БАНК ВА ТАДБИРКОР

9

ТИФ Миллий банки воситачи банк сифатида фаол иштирок этмоқда.

Муассаса учун яна бир устувор йўналиш фармацевтика соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришдир. Банк 2017 йилда Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида замонавий антибиотик дори-лар, витаминлар, ампулалик дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларига қарийб 10,1 млн. доллар кредит ажратди.

Республикамиз тижорат банклари аҳолининг маиший турмуш даражасини ошириш, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун сифатли, хавфсиз ва қулай шарт-шароитлар яратиш бериш, айниқса, ёш авлод учун соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш ва спорт билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратиш, шунингдек, шаҳарларда экологик мувозанат таъминлаш мақсадида юртимизнинг йирик шаҳар ва туман марказларида мавжуд маданият, дам олиш ва истироҳат боғларини таъмирлаш ва янгиларини барпо этиш мазмунидаги лойиҳалар ижросида ҳам жонбозлик кўрсатмоқда Чунончи, банклар томонидан республика бўйича жами 34 та дам олиш ва истироҳат боғларини ташкил этиш ҳамда 2017 йилда ишга тушириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга қарийб 300 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтиради. Мазкур сармоялар ҳисобига пойтахтимизнинг 6 та ҳудудида янги истироҳат

боғларини барпо этиш ва мавжуд 2 та боғни қайта модернизация қилиш, вилоятлар шаҳар ва туманларида эса, 24 та мавжуд истироҳат боғини қайта модернизациялаш ҳамда 2 та янги боғ қуриш учун хориждан замонавий аттракцион ускуналари сотиб олинади.

Шунингдек, ТИФ Миллий банки Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда аҳоли яшайдиган жойларни ободонлаштириш, атроф-муҳит тозаллигини сақлаш, ҳудудларда экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида вилоят марказлари ва туманларидан чиқадиган қаттиқ ва бошқа маиший чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш бўйича ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда. Бу борада лойиҳа ташаббускори, маҳаллий ҳокимликлар, кадастр хизмати ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда бўш турган, экологик талабларга жавоб берадиган ва атроф-муҳитга зарар етказмайдиган ер майдонлари аниқлашиб, ўша жойларда қаттиқ ва бошқа маиший чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, республикамиз ҳудудларида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш, бундай бозорлар ўрнида замонавий савдо марказлари, яъни гипермаркет (40 та), супермаркет (63 та), мини-маркет (139 та)лар қурилиш дастури ҳам ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳаларга

жами 202 млрд. сўм, шундан лойиҳа ташаббускорлари маблағлари ҳамда тижорат банклари (шу жумладан, ТИФ Миллий банки) кредит маблағлари ҳисобидан жами 161 млрд. сўм йўналтирилади.

Маълумки, 2016 йил 14 декабрь куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида тижорат банклари олдида қатор вазифалар кўйди. Жумладан, банкларнинг бош вазифаси – бундан кейин ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ишончини қозонишга ва уларга ҳақиқий кўмақдош бўлишга эришишдан иборат, дея таъкидлади.

Ушбу белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ТИФ Миллий банки ўзининг минтақавий филиаллари орқали зиммасига бириктирилган маҳалларда мавжуд хонадонларни бирма-бир ўрганиб, тадбиркорлар сонини ошириш бўйича тизимли ишларни бошлаб юборди. Бу борада банкнинг масъул ходимлари қаторига Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва «Ўзинвестлоийҳа» республика инжиниринг компанияси вакиллари ҳам жалб қилинган. Айни пайтда улар тадбиркорликни бошлаш учун бизнес-режаларни тузиш, лойиҳаларни доимий мо-

нитинг қилиш ҳамда маҳсулотларни экспортга йўналтириш масалаларида кўмақлашмоқдалар.

Мазкур кенг кўламли ишларни тизимли ва самарали амалга ошириш учун ТИФ Миллий банки алоҳида дастур ишлаб чиққан. Унга қўра, муассасага бириктирилган маҳаллалар банк филиали жойлашган манзилдан узоқда бўлса, барча турдаги молиявий хизматларни кўрсатувчи банк инфратузилмаларини ташкил этиб, аҳолига қулай шароитлар яратиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истакларини билдирган ҳар бир хонадонга мевали дарахтлар, уй ҳайвонлари, яъни чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик ва бошқа йўналишлардаги соддалаштирилган бизнес-режалар ҳамда тушуниш осон бўлган тарқатма материаллар тақдим этиш, ушбу мақсадларга имтиёзли кредитлар ажратиш, микрокредитлар турини кўпайтириш белгиланган.

Бунда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун кредитлар имтиёзли фойиз ставкаларда, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошманган микдорда берилиши таъминланади. Шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча ва шаҳар марказидан олисда жойлашган туманлардаги маҳаллалар аҳолиси (тадбиркорлари) учун банкнинг махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан ҳам сармоялар ажратилади.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

йўналтиришга катта эътибор қаратмоқда.

Айтиш жоиз, банкимиз томонидан ҳудудларнинг хомашё ва меҳнат ресурслари, инфратузилмаси, аънаналарига эътибор қаратган ҳолда буклет шаклида намунавий бизнес лойиҳалар ҳамда банкнинг имтиёзли кредитлаш тартиботлари ишлаб чиқилди. Маҳаллаларда «Тадбиркорлик бурчаги» ташкил этилди. Бу борада ходимларимиз ҳар бир хонадонга ташрифи чоғида маълумот бериб, улар-

рог базасига киритиб борилиши ҳамда кредит олиш истиаги мавжуд хонадонлар бўйича алоҳида назорат тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланиш истиагини билдирган ва кредитга эҳтиёжманд аҳолининг бизнес лойиҳалари филиаллар томонидан қисқа муддатларда ўрганилиши, уларга тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш ҳамда кредит ажратиш жараёни ҳар бир тармоқ бошқармалари томонидан дастурий тарз-

## Банк қонунчилиги такомиллаштирилмоқда

Жаҳон банки томонидан эълон қилинган маълумотга қўра, Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олган. Бугун мамлакатимиз тижорат банклари аҳолига миллий ҳамда чет эл валютасида 250 дан ортиқ омонат турларини таклиф этмоқда. Депозитга қўйилаётган маблағларнинг микдори охириги беш йилда 3,5 маротабага, 2016 йилда 25,2 фойизга ошди.



Тошкент давлат юридик университетиде «Ўзбекистон Республикасида банк қонунчилигини такомиллаштириш» мавзuida ўтказилган давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз борди.

Университет проректори З.Эсонова, «Капиталбанк» акциядорлик-тижорат банки кенгаши раиси Ф.Отахонов ва бошқалар мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш, молиявий барқарорлигини ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратишни янада кенгайтириш юзасидан тизимли иш-

лар амалга оширилаётганини таъкидлади.

2016 йилда тижорат банклари аҳоли омонатларини жалб қилиш йўналишидаги фаолиятини жадаллаштириши, банк хизматлари тўғрисида аҳолининг хабардорлик даражаси ошгани ҳамда кўплаб янги омонат турлари жорий этилгани кузатилди.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг

кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида банк соҳасини янада ривожлантириш, тижорат банклари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди, – дейди Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Ҳамид Ботиров. – Банк қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан университетимизда соҳа мутахассислари билан учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Бугунги тадбирда ҳам тижорат банклари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, банк операцияларини тартибга солишда жинсий фаолиятдан олинган дарамадларни легаллаштириш билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш масалаларига эътибор қаратилди.

Банклар фаолиятини янада ривожлантириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кредит олиш тизимини соддалаштириш, истиқболли инвестицион лойиҳаларни кенгайтириш борасида амалий таклифлар билдирилди.

Ў.А.

**Банкимизга бириктирилган хонадонларнинг 361 906 тасида (28 фойиз) сўровлар ўтказилди, бунда 26 169 та хонадон вакили тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истиагини билдирди. Шундан 839 та хонадонга 8 257 млн. сўм, жумладан, 764 та хонадонга шахсий томорқада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун 5 399 млн. сўм микдорда кредит маблағлари ажратилди. 2 858 млн. сўмлик кредит ҳисобига эса, 75 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.**

га банк хизматлари ҳамда намунавий лойиҳалар акс эттирилган тарқатма материаллар, шунингдек, тадбиркорликка доир ҳуқуқий ва молиявий маслаҳатлар бермоқда.

Бундан ташқари, «Агробанк»да аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш бўйича дастурлаштирилган тизим жорий этилди. Бу билан бириктирилган ходимларнинг хонадонларга ташрифи бўйича кунлик маълумотлар филиалнинг ахбо-

да кунлик мониторинг қилиб борилмоқда.

Банкимизда «Оддий аҳолини тадбиркор қилиш» бўйича ишлаётган ходимларни рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган. Бунда ходимлар меҳнати ташриф буюрилган хонадонлар ва қўшимча очилган тадбиркорлик субъектлари сони, ажратилган кредитлар микдори, янги ташкил этилган иш ўринлари кўлами каби мезонларга таянилиб баҳоланади.

**Назира МАВЛОНОВА**  
суҳбатлашди.

## «Ўзбекинвест»: йил сермахсул кечди

2016 йилда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси 10 та янги ҳудудий бўлини масини очиб, миждозлар талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда намунавий сугурта шартномаларининг 56 тасига ўзгартиришлар (индоссамент) киритди, 204 та шартномани модернизация қилди.

Ушбу даврда сугурта ташкилоти фаолияти билан боғлиқ эътиборга молик жиҳат – бу 12 турдаги янги сугурта хизматининг жорий қилинганлигидир. Булар «Она ва бола соғлиғи», «Фармакологик ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотини ўтказишда беморнинг ҳаётига, соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш», «Божхона брокерларининг боғхона тўловларини таъминлаш бўйича фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш», «Лизингга берилган транспорт воситаларини сугурталаш», «Лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникаларини сугурталаш», «Божхона тўлов-

ва соғлиғи бўйича сугурта ҳимоясини тақдим этади. Мазкур маҳсулот 18 ва ундан катта ёшдаги аёллар ҳамда уларнинг бир ойликдан 16 ёшгача бўлган фарзандларига мўлжалланган бўлиб, бунда сугурталанувчилар саломатлигининг ҳолати ва фарзандлар сони бўйича чекловлар мавжуд эмас.

Комплекс қалтисликларни ўз ичига олган янги сугурта маҳсулоти тартибига кўра, миждоз бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳат олса ёки даволаниш учун уч кундан узоқ муддатга шифохонага шошилиш ёқтирилган сугурта қопламаси тўлаб берилиши белгиланган. Бунда сугурталанувчининг тиб-

2,2 трлн. сўмни (ўсиш 173,1 фоиз), йиғилган сугурта мукофотлари ҳажми эса 5,8 млрд. сўмни (ўсиш 140,2 фоиз) ташкил этди.

Маҳаллий экспортчилар мулкый манфаатларини комплекс сугурталаш мақсадида компания умумий қиймати 500,8 млрд. сўмлик сугурта шартномаларини тузди. Шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт шартномаларини сугурталаш бўйича қабул қилинган мажбуриятлар 263,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги ва «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги қонунлари ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳисобот даврида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича йиғилган сугурта мукофотлари ҳажми 5,4 млрд. сўмга (ўсиш 150 фоиз), тўланган сугурта қопламалари ҳажми 507,7 млн. сўмга етди. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш бўйича йиғилган сугурта мукофотлари ҳажми эса, 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 148 фоизга ўсиб, 5,9 млрд. сўмни, тўланган сугурта қопламалари 4,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш бўйича 386,9 млн. сўмлик сугурта мукофотлари йиғилиб, 24,8 млн. сўм ҳажмида сугурта қопламалари тўлаб берилди.

Шундай қилиб, 2016 йил якунларига кўра, «Ўзбекинвест» ЭИМСК томонидан жами йиғилган сугурта мукофотлари 104 млрд. сўмни (ўсиш 130 фоиз), олинган сугурта мажбуриятлари 58,5 трлн. сўмни (ўсиш 110 фоиз), аҳоли, корхона, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тўлаб берилган сугурта қопламалари 15 млрд. сўмни (ўсиш 135 фоиз) ташкил этди. Ушбу даврда юридик ва ҳисмоний шахслар билан жами 207 мингдан ортиқ сугурта шартномаларини имзолади.

Эъзоз КАМОЛОВА.

## Ихтиёрий сугуртанинг ривожини

Ҳаёт ва саломатликни сугурталаш бўйича етакчи компаниялардан бири бўлган «Ўзбекинвест ҳаёт» сугурта компанияси миждозлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга катта эътибор қаратмоқда.



Шахсий сугурталаш бозори кенгайиб бораётгани сари сугуртачилар томонидан амалга оширилаётган тўловлар ҳажми ҳам ортмоқда. 2016 йил якунига кўра, «Ўзбекинвест ҳаёт» сугурта компанияси томонидан амалга оширилган сугурта тўловлари миқдори 2015 йилга нисбатан 139,4 фоиз ўсиб, 20,34 млрд. сўмдан ошди. Ушбу даврда 5,39 мингта ариза келиб тушган бўлса, уларнинг 5,38 мингдан зиёди ҳал этилди, қолганлари кўриб чиқилмоқда.

Компания томонидан амалга оширилган тўловларнинг 91,2 фоиздан зиёди ихтиёрий сугурта турларига тўғри келиб, ҳаётни ихтиёрий сугурта қилиш шартномалари бўйича тўловлар умумий тўловлар ҳажмининг 90,1 фоизини ташкил этди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон

Республикасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисида»ги Қонуни ижроси доирасида амалга оширилган тўловлар умумий сумманинг 8,9 фоизини ташкил этди. Амалга оширилган тўловларнинг тўлланган сугурта мукофотлари миқдоридаги улуши эса, 56,5 фоизга тенг бўлди.

Таъкидлаш керакки, филиаллар тармоғининг фаолияти компаниянинг умумий кўрсаткичларида ижобий динамика билан ўсди. Жумладан, 2016 йил давомида ҳудудий филиаллар томонидан амалга оширилган тўловлар улуши уларнинг умумий ҳажмидан 55 фоиз ортди. Тўловлар суммасининг келиб тушган сугурта мукофотларига мутаносиблиги эса, 75,1 фоизни ташкил этди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

## Бизнес жараёнлар автоматлаштирилади

2016 йил давомида «Alskom» акциядорлик жамияти ўз фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга эришди.

Хусусан, сугурта тармоқларини янада кенгайтириб, 13 та янги бўлинима фаолиятини йўлга қўйди.

Бугунги кунда компаниянинг ҳудудий филиаллари сони 15 тага, бўлиналари эса 103 тага етди.

Утган даврда компания томонидан кўрсатилган самарали сугурта хизматлари натижасида 2015 йилга нисбатан сугурта тушумлари 122 фоизга, тузилган сугурта шартномалари сони қарийб 120 фоизга ўсди.

2016 йил мобайнида йиғилган сугурта мукофотларининг 73 фоизини ихтиёрий сугурта турлари, 27 фоизини эса мажбурий сугурта хизматлари ташкил этди.

«Alskom» сугурта компанияси томонидан «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да ўзининг ҳудудий тармоқлари фо-

лиятини янада кучайтириш, чунончи, сахар марказларини олисда жойлашган қишлоқларда бўлиналар ташкил этиш, аҳоли ўртасида сугурта маданиятини ошириш, сугурта хизматларидан фойдаланишга кўпроқ жалб қилиш, шунингдек, инновацион сугурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, компанияда ҳисоб тизимини янада такомиллаштириш каби устувор вазифалар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни моҳияти бўйича ўқув-семинарлари ташкил этиш, компанияда бизнес жараёнларини автоматлаштириш борасида чоратадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

Наргиз АҲМЕДОВА.



лари тўланишини таъминлаш бўйича боғхона омборхоналари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш», «Автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ баллон қурилмаларини сугурталаш», «Бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи шахслар касбий жавобгарлигини сугурталаш», «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг тадбиркорлик қалтисликларини сугурталаш», «Мева-сабзавот, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташишни сугурталаш», «Автоташувчилар касбий жавобгарлигини сугурталаш», «Музлатгич камерада сақланаётган молмулкни сугурталаш» кабилардан иборат бўлиб, улар бугунги кунда ҳар бир шахс ёки фаолият турига оид таваккалчиликларнинг олдини олиш ёқуд даражасини камайтириш чораларини ўзида акс эттирган.

Хусусан, компания томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида амалиётга киритилган «Она ва бола соғлиғи» номли янги сугурта маҳсулоти она ва унинг фарзандлари ҳаёти

биёт муассасасига шошилиш ёқтирилиши, ҳаёти ва соғлиғига жаддий ҳаф солувчи кучли оғриқ, сурункали касалликларнинг зўрайиши, жароҳат, захарланиш каби ҳолатлар сугурта ҳодисаси саналади.

«Она ва бола соғлиғи» сугурта маҳсулоти бўйича сугурта қопламасини олиш жараёни соддалаштирилган. Бунда миждоз жароҳат олинганда травматолог ёки биринчи ёрдам кўрсатилган пунктдан маълумотнома, касалхонага шошилиш ёқтирилган тақдирда касаллик варақасидан нусха тақдим этишининг ўзи кифоя.

Айтиш жоиз, 2016 йил «Ўзбекинвест» ЭИМСК учун сермахсул давр бўлди. Компания томонидан давлат Инвестиция дастурига киритилган 88 та лойиҳага умумий қиймати 17,5 трлн. сўмлик сугурта ҳимояси тақдим этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг шахсий ва мулкый манфаатларини сугуртавий ҳимоялаш йўлида ўтган йил давомида олинган сугурта мажбуриятлари ҳажми



# «Тошкент» РФБ биржа савдолари шарҳи 2017 йил январь ойида

2017 йил январь ойида «Тошкент» республика фонд биржасида 21 та савдо сессияси ўтказилди.

Ҳисобот ойида 29 эмитентга тегишли 6,5 млн. дон қимматли қоғозлар бўйича 195 та олди-сотди битими тузилди.

Жорий йилнинг январь ойида қимматли қоғозлар биржавий битимлари ҳажми 10,7 млрд. сўмга етди.

Ҳисобот даврида қимматли қоғозлар битимлари қуйидаги йўналишда тузилди:

Ягона дастурий-техник мажмуа акциялари бозорида қуйидаги тармоқларда:

- Асосий йўналиш («Main Board») – 7,6 млрд. сўмлик 174 та битим;
- жисмоний шахслар учун клиринг-сиз битимлар бўйича («NC Board») – 0,02 млрд. сўмлик 20 та битим;

биржанинг амалдаги савдо тизими доирасида: акциялар жамланмасини сотиш тармоғи бўйича (блок-трейдинг) – 3,1 млрд. сўмлик 1 та битим.

Битимлар ҳажми бўйича энг юқори натижа 25 январда асосий йўналиш («Main Board») тармоғида кузатилди. Хусусан, шу кун «Farg'ona go'sht-sut savdo» АЖнинг 145,0 минг дон қимматли қоғозлари 3,2 млрд. сўмга сотилган.

Январь ойида биржавий битимларнинг ўрта ҳажми 55,0 млн. сўмини ташкил этди.

Бир кунда тузилган битимлар ўртача ҳажми 510,9 млн. сўмга тўғри келди.

Сотилган бир дон қимматли қоғознинг ўртача нархи 1 655,3 сўмга тенг бўлди.

Қимматли қоғозларга нисбатан талабнинг мавжудлигини аниқлашчи кўрсаткичлардан бири қимматли қоғозларнинг сотувдаги нархи уларнинг номинал қийматига нисбатан коэффициент, яъни ликвидлик кўрсаткичи бағлиқ бўлади.

Ҳисобот ойида қимматли қоғозлар битимлари умумий сонининг 40 фоизи номинал қийматига нисбатан қиммат нархда тузилди. Энг юқори даражадаги ликвидлик кўрсаткичи агросаноат мажмуаси соҳаси (4,40 пункт)да кузатилди.

**Алоҳида тармоқлар кесимида қимматли қоғозлар нархининг улар номиналига нисбати,**  
2017 йил январь ойида


Агросаноат мажмуаси	4,40
Банк соҳаси	1,00
Лизинг	1,21
Саноат	1,48
Сугурта	1,23
Қурилиш	0,99
Бошқалар	2,67

Умуман олганда, ҳар бир тармоқ кесимида ўрта ҳисобда қимматли қоғозларнинг сотувдаги нархи унинг номинал қийматига нисбатан коэффициент январи ойида 2,13 пунктни ташкил этди.

Биржада тармоқларнинг инвестици-

1-диаграмма.

**Қимматли қоғозлар биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби,**  
2017 йил январь ойида



- Банклар 1,6 фоиз
- Лизинг 28,7 фоиз
- Саноат 0,2 фоиз
- Бошқалар 32,5 фоиз
- Сугурта 12,0 фоиз
- Қурилиш 0,4 фоиз
- Агросаноат мажмуаси 24,6 фоиз

он жозибдорлик бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, январь ойида қуйидаги соҳаларнинг қимматли қоғозларига талаб ўсган: лизинг компаниялари – 28,7 фоиз ва агросаноат корхоналари – 24,6 фоиз.

Инвесторларнинг категориялари-га кўра қуйидагиларда фаоллик қайд этилди:

● Юридик шахслар томонидан тузилган битимлар – жами тузилган битимлар умумий ҳажмининг 97,2 фоизи.


● Жисмоний шахслар томонидан тузилган битимлар – жами тузилган битимлар умумий ҳажмининг 65,1 фоизи.

Битимлар ҳажми (битимлар қиймати/битимлар сони) ўртача кўрсаткичи январь ойида қуйидагича бўлди:

- Юридик шахслар билан – 153,4 млн. сўм;
- Жисмоний шахслар билан – 3,0 млн. сўм.

2-диаграмма.

**Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби,**  
2017 йил январь ойида



- Хорижий инвесторлар 63,1 фоиз
- Сугурта компаниялари 27,8 фоиз
- Жисмоний шахслар 5,5 фоиз
- Бошқа юридик шахслар 2,8 фоиз

Умуман январь ойида биржа бозори таркибида қимматли қоғозлар савдоларида иштирок этган инвесторлар тури бўйича ҳолат қуйидагича бўлди:

Ўтган ойда фонд биржасида тузилган битимлар орасида брокерлик идоралари фаоллиги қуйидаги кўрсаткичларда намоён бўлди.

Биржа савдоларида жами 18 та брокерлик идораси иштирок этди.

Умумий биржа айланмасида энг фа-

ол ўнта брокерлик идораларининг соф ҳажми 99,5 фоизга, сони бўйича эса 84,1 фоизга етди.

Январь ойидаги биржа савдоларида иштирок этган идоралар орасида етакчи ўринларни қуйидагилар эгаллади:

**Қимматли қоғозлар ҳамжи бўйича тузилган битимлар:**

- «FULL STOCK GROUP» МЧЖ (БИ № 453);

- «Portfolio Investments» МЧЖ (БИ № 454);
- «Ishonch LTD» МЧЖ (БИ № 444);

**Қимматли қоғозлар сони бўйича тузилган битимлар:**

- «Ishonch LTD» МЧЖ (БИ № 444) – 110 та битим;
- «Osiya Sarmoya Depo» ШК (БИ № 446) – 66 та битим;
- «Portfolio Investments» МЧЖ (БИ № 454) – 51 та битим.

**Энг йирик савдолар ҳажми бўйича эмитентлар ТОП 10 лиги,**  
2017 йил январь ойи давомида

Эмитент номи	Тармоқ	Ҳажми, млрд. сўмда
«Farg'ona go'sht-sut savdo»	Ўзулгуржисавдоинвест	3,2
«Qurilishmashlizing»	Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар	3,1
«Qo'qon yog'-moy»	«Ўзпахтаёғ» АЖ	2,6
«ALSKOM»	Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар	1,3
«Marg'ilon Fayz savdo kompleksi»	Ташкилотлар томонидан таъсис этилган юридик шахслар	0,1
«Kapitalbank»	Банк	0,1
«O'zkiyopolimersavdo»	Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар	0,1
«Zamon Plus Sarmoya»	Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар	0,1
«Turonbank»	Банк	0,1
«Qizilqumsement»	«Ўзқурилишматериаллари» АК	0,05

**«ТОШКЕНТ» РФБ КОТИРОВКА РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН КОМПАНИЯЛАР ШАРҲИ**

Биржанинг асосий вазифаларидан бири истиқболда биржа котировка рўйхати имкон қадар кўпроқ молиявий барқарор ва ликвидли акциядорлик жамиятларини жалб этиш ва киритиш ҳисобланади.

2016 йил бошида биржа котировкаси рўйхатидан 191 та компания ўрин эгаллаган бўлса, январь ойи давомида рўйхатга 2 та янги компания киритилди, 2 та компания эса рўйхатдан чиқарилди. Натижада 2017 йил 31 январь ҳолатига кўра, биржа котировкаси рўйхатида 191 та акциядорлик жамияти (2016 йил 31 январь ҳолатига кўра 260 та АЖ) мавжуд бўлди.

Биржадаги котировка рўйхати киритилган «А» категория талабларига жавоб берувчи акциядорлик жамияти сони 24 тага етди. 29 та акциядорлик жамиятлари эса «В» категорияси, 108 таси «С» категорияси ва 30 таси

«Р» категорияси талабларига мувофиқ келади.

Шундай қилиб, рўйхатдаги акциядорлик жамиятларининг аксарияти «С» категорияси талабларига жавоб беради, яъни улар эмитентнинг устав жамғармаси ҳажми давлат рўйхатидан ўтган санада 400 минг АҚШ доллари-га (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган айирбошлаш курси бўйича) тенг бўлган ҳамда яқунланган сўнгги икки молиявий йил мобайнида эмитент ижобий молиявий натижаларга эришган компаниялардир.

Листинг компанияяра рўйхатда тижорат банклари, сугурта компаниялари, нефть-газ саноати корхоналари, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, агросаноат мажмуаси ташкилотлари, энергетика, металл-созлик ва бошқа турдаги компаниялар мавжуд.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА/ЁКИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН БИРЖА САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ДАВЛАТ АКЦИЯЛАРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарори ижроси доирасида 2017 йил 31 январь ҳолатига кўра, «Тошкент» РФБ савдоларида 25 та АЖлар умумий қиймати 59,5 млрд. сўм ва 483,3 млн. АҚШ долларлик қимматли қоғозлар пакети билан иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги ВМҚ-33 сонли қарори ижросини таъминлаш доирасида 2017 йил 31 январь ҳолатига кўра, «Тошкент» РФБ савдоларида 3 та АЖлар умумий қиймати 2,4 млн. АҚШ долларлик қимматли қоғозлар пакетлари билан иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 августдаги ВМҚ-252-сонли қарори ижроси доирасида «Тошкент» РФБ савдоларида 2017 йил 31 январь ҳолатига кўра, умумий қиймати 24,5 млрд. сўм ва 680,9 млн. АҚШ долларлик қимматли қоғозлар пакетлари билан 46 та АЖлар иштирок этди.

Йил бошидан буён юқорида келтирилган қарорлар ижроси доирасида биржа савдоларида хорижий инвесторларга тегишли 52 та АЖлар умумий қиймати 42,63 млрд. сўм, 38,5 млн. АҚШ доллари ва 45,7 минг евролик қимматли қоғозлар пакети билан иштирок этди.

ЭЪЛОН

## ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

**Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди Фонд реестри ҳисобида турувчи банклар рўйхатини эълон қилади.**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Асака» акциядорлик тижорат банки.
3. «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки.
4. «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки.
5. «Агробанк» акциядорлик тижорат банки.
6. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки.
7. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки.
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки.
9. Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки.
10. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».
11. «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки.
12. Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки.
13. «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки.
14. «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки.
15. «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки.
16. «Туркистон» хусусий акциядорлик тижорат банки.
17. «Давр Банк» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
18. Хусусий акциядорлик-тижорат банки «Универсалбанк».
19. «Ravnaq-bank» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
20. «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банки.
21. «HI-TECH BANK» хусусий акциядорлик тижорат банки.
22. «Orient Finans» хусусий акциядорлик тижорат банки.
23. «Мадад Инвест Банк» хусусий акциядорлик тижорат банки.
24. «ҚДБ Банк Ўзбекистон» акциядорлик жамияти.
25. «Uzbekistan-Turkish Bank» акциядорлик жамияти.
26. Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўба банки.

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ юқорида номлари келтирилган банклардаги фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

● Маънавиятимиз сарчашмалари

## Заҳириддин Бобур таваллудига бағишланган кўرғазма

Пойтахтимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган декоратив амалий санъат кўрғазмаси бўлиб ўтди.



Тадбирда таъкидланганидек, Бобур ўзининг шоҳ асарини – «Бобурнома»да ўз даврининг урф-одат ва аъёналари билан бир қаторда хунармандларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида батафсил маълумотлар келтирган.

Кўрғазмада халқ хунармандлиги аъёналарини давом эттираётган усталар, жумладан, Риштон кулчилик, Бухоро зардўзлик ва миллий либос мактаблар

ри вакиллари иштирок этди.

– Биз мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган табиий матолардан кенг фойдаланамиз, шу сабабли маҳсулотларимиз қулай, ихчам ва сифатли, – дейди **миллий либос устаси Расул Яҳёев**. – Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўрғазма ва ярмаркаларда фаол қатнашишга ҳаракат қиламиз. Яқинда Ҳиндистонда бўлиб, ўзбек миллий либослари ва каштачилик намуналарини намойиш этдик. Ҳиндистонлик мутахассислар ва тадбиркорлар маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдириб, ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишни таклиф этди.

Кўрғазма доирасида маҳорат дарслари ташкил этилди. Иштирокчилар тасвирий санъат, ганчкорлик ва каштадўзликда ўзини синаб кўриш имконига эга бўлди.

Тадбирда Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидан парчалар ўқилди.

Ў.А.

Ушбу рўйхатнинг биринчи эллигаллида Осиёдан фақатгина Япония, Ўзбекистон ва Ҳиндистон вакили жой олди. Рауфхон Салахўжаев 32-ўринни банд этди. Ҳали ўттиз ёшга қаршиламаган Рауфхон макроиқтисоддаги янги йўналиш «Иқтисодий ўсишнинг чуқур омиллари» бўйича тадқиқот олиб бораётган кам сонли олимлардан. Илмий иши давлатларнинг иқтисодий ривожланишида интеллектуал капитал ва бозор институтларининг ролини тадқиқ этишга бағишланган. Рауфхоннинг 20 га яқин илмий мақола «Intelligence», «Kyklos», «Environmental Research» каби дунёнинг ётақи илмий журналларида чоп этилган, «Forbes» агентлиги, «National Policy» институти томонидан юқори баҳоланган.

Ёш иқтисодчи олим 2012 йили

## ЭНГ КУЧЛИ ЁШ ИҚТИСОДЧИЛАР РЕЙТИНГИДАН ЮРТДОШИМИЗ ЖОЙ ОЛДИ

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети иқтисод фани ўқитувчиси Рауфхон Салахўжаев дунёнинг 100 та энг кучли ёш иқтисодчилари рейтингидан жой олди.

АҚШнинг «Fulbright» стипендияси голиби бўлиб, Нью-Йорк давлат университетида иқтисод магистри илмий даражасини олган. Ҳозир таълим даргоҳида муаллимлик қилиш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида катта илмий ходим ҳамдир.

Рауфхон Салахўжаевнинг муваффақияти Тошкент Халқаро Вест-



минстер университети учун Лондон Иқтисод мактаби (Буюк Британия), Англия банки ва Браун университети каби нуфузли илмий марказлар қаторига киришга йўл очди.

Рейтинг RePEc (Research Papers in Economics) «Иқтисодийёт фанлари бўйича илмий мақолалар» ташкилоти томонидан тузилади, лойиҳани АҚШдаги Федерал резерв банки тадқиқотлар бўлими мувофиқлаштиради ва дунё бўйлаб 50 мингдан ортиқ иқтисодчилар фаолияти кузатиб борилади. RePEc мақолаларга келтирилган иқтисодлар, чоп этилган журнал нуфузи каби категорияларга асосланиб, турли тоифалар бўйича энг яхши иқтисодчилар рейтингини тузади.

Ў.А. материали асосида.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

А.С. АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета тахририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КУМАГИ

ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Маълонов кўчаси, 1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № 823.

Адади 8855 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табақда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 15.02.2017 й., 9.00.